O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
10 SENTABR
SESHANBA
№ 115 (26.974)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбек ва қозоқ халқларини азалий дўстлик, биродарлик ришталари бирлаштириб туради. Тили, дини, маданияти ва ўтмиши бир бўлган икки қардош халқнинг истиқболдаги мақсадлари ҳам муштараклиги эса муҳим аҳамият касб этади.

Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, фойдаланилмаётган иқтисодий имкониятлар қулфини очиш, икки қўшни мамлакат давлат чегараларининг делимитациясини ниҳоясига етказишни Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларидаги долзарб масалалардан, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 сентябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан ушбу мамлакатда меҳмон бўлди. Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Остона аэропортида юксак мартабали меҳмонни Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Қозоғистон Республикаси Президентининг саройида дастлаб Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев яккама-якка суҳбатлашди. Шундан сўнг музокаралар кенгайтирилган таркибда давом эттирилди.

Томонлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, янги поғонага кўтариш масалалари юзасидан фикр алмашди. Хусусан, ўзаро маданият кунларини ўтказишга келишиб олинди. Музокараларда, шунингдек, иқтисодий жабҳадаги ҳамкорликни кучайтириш, икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини ошириш чора-тадбирлари ҳақида сўз борди. Маълумотларга қараганда, 2002 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 124 миллион АҚШ долларини ташкил қилган.



Ўзбекистон раҳбари икки давлатнинг бу соҳадаги имкониятларини «ягона локомотивга бирлаштириш» таклифини илгари сурди. Ушбу таклиф Қозоғистон томонидан қўллаб-қувватланди. Кўнгирот — Бейнов — Оқтов автомобиль йўлининг қурилиши қардош халқларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, экспорт-импорт имкониятларини кенгайтириши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон раҳбари илгари сурган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин қўллаб-қувватланган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш борасидаги ташаббус, экологик муаммоларнинг олдини олиш, бу масалаларга бағишланган анжуманни Семипалатинск шаҳрида ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди. Зеро, эски тузум даврида шу ҳудудда ядровий синовлар ўтказилган эди. Унинг асоратлари ҳамон сезилади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат чегараларининг узунлиги 2440 километрга етади. Бундан ўн ой аввал давлат чегараларини делимитация қилиш бўйича келишиб олинган эди. Қисқа фурсат ичида йирик ҳажмдаги иш бажарилди. Ташриф давомида президентлар томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегараларининг алоҳида участкалари тўғрисидаги битим билан мазкур жараён тўлиқ ниҳоясига етказилди.

Аммо бу икки мамлакат, икки халқ ўртасига тўр сим тортилди, дегани эмас. Дўстлик ва қардошлик алоқалари аввалгидан ҳам қизғин давом этаверади.

Остонадаги учрашувлар чоғида яна бир муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1998 йил 31 октябрда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг бажарилиши ҳақида қўшма декларация қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими ниҳоясига етгач, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

— Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат чегараларининг делимитацияси масаласида ҳеч қачон бир тўхтамга кела олмайди, деб жар солганлар биз имзолаган ҳужжатлар билан танишгач, хато қилганларини тушуниб етса, ажаб эмас, — деди, жумладан, давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон раҳбари Қозоғистон Президенти ҳамроҳлигида Ватан ҳимоячилари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

«Байтерек» мажмуи Остона шаҳрининг ўзига хос рамзи ҳисобланади. Ислом Каримов ташриф ниҳоясида ана шу иншоотни бориб кўрди. Унинг баландлиги 97 метр. Бунинг ҳам рамзий маъноси бор. 1997 йили Қозоғистон пойтахти Алматидан Остонага кўчирилган эди. Шу йилнинг 29 августида фойдаланишга топширилган «Байтерек»ка давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти қадам қўйди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Остона аэропортида давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кузатиб қолди.

■ **Озод РАЖАБОВ,**
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Остона — Тошкент.

✧✧✧

Суратда: учрашувдан лавҳа.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сизга самимий қутловларимни, шунингдек, бутун ўзбек халқига бахт-саодат, равнақ ва муваффақиятлар тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллаш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

«Наркотиклар тарқалиши муаммосига бағишланган халқаро конференция» ўтказилишини қўллаб-қувватлаганингиздан мамнунман. Мамлакатингизнинг фаол иштирок этиши ана шу тадбир муваффақиятининг гарови бўлади ва мен мамлакатларимизнинг тегишли хизматлари унга тайёргарлик кўришда баҳамжиҳат ҳаракат қилишларини истардим.

Мен ҳам ўзимнинг бутун куч-ғайратимни мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни, хусусан халқаро терроризм ва наркотикларнинг ғайриқонуний айланиши каби миллатлараро кулфатларга қарши курашдаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга сарфлайман.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Жак ШИРАК,
Франция Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий куни байрам қилиниши муносабати билан Сизга ғоят самимий қутловлар, сиҳат-саломатлик ҳамда шахсий ва касбий фаолиятингизда муваффақиятга эришиш истакларини йўллаш, ўзбек халқига эса тинчлик ва омонлик тилаш менга мамнуният бахш этади.

Бизнинг яқинда ўтказиладиган учрашувимиз Руминия билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида барча соҳалардаги муносабатларни давлатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш учун яхши имконият яратишига ишончим комил эканлигини изҳор этаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Ион ИЛИЕСКУ,
Руминия Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Македония Республикаси халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутловларимни ҳамда мамлакатингизга равнақ ва Ўзбекистон халқига омонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор этиш мен учун шараф ва мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар бундан буён ҳам ўзаро ҳамкорлик ва манфаатдорлик асосида муваффақиятли ривожланиб, бойиб бораверади, деб қатъий ишонч билдиришимга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Борис ТРАЙКОВСКИЙ,
Македония Республикаси Президенти

НАМЛИККА ЧИДАМЛИ КАБЕЛЬ

Очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида янги русумли телефон кабеллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу турдаги маҳсулот намликка чидамлилиги, пишиқ-пухталиги билан ажралиб туради. Жаҳон андозалари асосидаги янги маҳсулот харидоргир.

Ишлаб чиқариш технологиясини янгилаш ва такомиллаштириш туфайли қўшма корхонанинг иқтисоди кўтарилиб, 80 турга яқин кабель ва 200 дан зиёд хилдаги симлар тайёрланмоқда.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ МЕРОСИМИЗГА МЕҲР-МУҲАББАТ

— Маънавий тараққиётни таъминламасдан туриб, моддий фаровонликка эришиш қийин, — деган эди Президентимиз шу йил 22 март куни Тошкентда консерваториянинг янги биноси — Ўзбекистон давлат консерваториясининг санъат кошонаси очилиши тантанасида. **— Маънавий қашшоқ киши моддий бойликнинг ҳам қадрига етмайди. Шу боис биз тўй-томоша, байрамлар ўтказиш, маданий иншоотлар қуришга алоҳида эътибор бермоқдамиз...**

Юртбошимизнинг бу сўзларини бугун биз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган ҳафта матбуотда чоп этилган **«Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори муносабати билан яна бир бор эсладик.

Ўша кезлардан сал олдин, янги консерватория биноси учун зарур мусиқа асбоблари жаҳоннинг Япония, Германия, АҚШ каби энг илғор давлатларидан келтирилганига ҳаммамиз гувоҳ. Бундан ҳам бироз олдинроқ, аниқроғи, мажмуа қурилиши айни авжига чиққан кезларда давлатимиз раҳбари бу ерга ташриф буюриб, бир қанча қимматли маслаҳатлар берганди. Кошона фойесига ўрнатилажак ранг-баранг панноларга, концерт заллари ва аудиториялар меъморчилигига таклифлар киритди. Олтмиш беш йиллик тарихга эга бу миллий мумтоз мусиқий маданиятимиз маёғи — санъат ўқув мажмуи нафақат санъат аҳлига, балки, юртимизнинг ҳар бир фуқаросига катта ғурур ва ифтихор бағишлаши, у маданий ҳаётимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб қолиши, қолаверса, азим пойтахтимиз Тошкент ҳуснига ҳусн бўлиб қўшилиши лозимлигини таъкидлаганди.

...Кошона ишга тушиб, орадан яна бироз фурсат ўтгач, — 16 апрель куни Президентимиз Фармони билан Тошкент давлат консерваторияси айни шу бинода **Ўзбекистон давлат консерваторияси** мақомини олди.

(Давоми 2-бетда)

МАТБУОТ ВА ҲАЁТ

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

ОЛИЙ МАЖЛИС ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИДАН КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗА...

Матбуот — минбар! Бу минбарда сўз айтилади — фикр билдирилади. Гоҳида уч-тўрт ҳамкасблар йиғилиб қолсак, гап мавзуси журналистикага, газетага, кимнинг қандай ёзаётгани, нашрларнинг бугунги аҳволи, ўрни ва мавқеига бориб тақалади. Олий Мажлисимизнинг тўққизинчи сессиясида эса Президентимиз жамиятни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатдан янгилаш борасидаги энг муҳим устувор йўналишлардан бири сўз ва матбуот эркинлиги эканини таъкидлаб ўтди. Эътибор берган бўлсак, бугунги матбуот олдидаги масъулият лўнда ва содда қилиб ифодаланди, вазифалар аниқ-тиниқ белгиланди. Демак, жамият тараққиётида, халқимиз дунёқарашининг шаклланишида журналистнинг ўрни катта минбарда қайд этилди.

Дунё тажрибасидан маълумки, жаҳон оммавий ахборот воситалари воқеликни тезкорлик билан ёритиш измида бўлади. Қачон? Қаерда, деган саволларга айни пайтида жавоб беришни хуш кўради. Темирни иссиғида босиш — биринчилардан бўлиб хабар тарқатишга ошиқади. Фалон жойда фалон воқеа содир этилди, деб инсониятни огоҳ қилиш — яхши! Матбуот шу жиҳати билан ҳам матбуот. Телерадио ва кундалик нашрларсиз одамзот тамоман ҳаётдан, кенг жаҳондан узилиб қолади. Мазкур тармоқ орқали воқеа юз берган заҳоти кенг омма хабардор бўлаяпти, ахборот шиддатини ҳеч нарса тўхтатиб қолаётгани йўқ. Глобаллашув жараёнида дунё кўникиб бўлган ҳодиса бу.

Барча жабҳаларни умумлаштирганда, тараққиёт йўлининг ўзимизга хос томонини танлаганмиз. Жумладан, дунё матбуоти андозасига мос тезкорлик билан биргаликда, шарқнинг асл қиёфаси — маърифийлик йўлидан бориш бугунги ўзбек матбуотининг ўқ томири, ўзагини ташкил қилади. Инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат бу.

(Давоми 2-бетда)

«ОЗОД МАМЛАКАТНИНГ ОЗОД ФАРЗАНДИ БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!»

ФОТОТАНЛОВИГА

■ **Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

Ҳар йили мамлакат Президенти Фармони билан зукко, зебо қизларимизга Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилиши анъанага айланиб қолди.

Фан, санъат, адабиёт соҳаси бўйича энг иқтидорли қизларимиз шундай юксак мукофот билан тақдирланадилар.

Бинобарин, эртага улар мамлакат умиди, миллат таянчига айланадилар. Ўзбек ижодкор аёлларининг тимсоли бўлган Зебунисо, Нодира, Зулфияхоним сингари дунёни лол қолдирадилар.

Ўзбекнинг оқила қизлари баланд овозда куйлаётган қўшиқ бу — озодлик оҳангларидир. Улар мўйқаламда чизаётган оқ кабутар сурати — тинчлик рамзидир. Улар олиб бораётган илмий тадқиқотлар озод юртнинг равнақи, буюк келажагидир.

Зулфияхонимнинг зебо қизлари омон бўлишсин. Юксак мукофот уларни янада баландроқ парвоз қилишларига қанот бўлсин.

✧✧✧

СУРАТДА: *Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари (чапдан) Малика Ғайбиева (Сирдарё), Мамлакат Улашева (Самарқанд), Шаҳноза Раҳмонова (Қашқадарё).*

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ МЕРОСИМИЗГА МЕҲР-МУҲАББАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўшанда миллий қадриятларимиз билан фахрланишнинг ўзигина камлик қилишини, аждодларимиз қолдирган улкан маънавий бойликни асраб-авайлаш, ҳар томонлама ривожлантириш ва келгуси авлодларга етказиш фарзу-қарз эканлигини дил-дилидан туймаган, юрак-юракдан ҳис қилмаган бирор ватандошимиз бўлмаса керак.

Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги қарори, таъбир жоиз бўлса ана шу фарзу қарзимиз ижроси йўлидаги катта воқеа бўлди. Бу — Юртбошимиз фармонини бажариш юзасидан ва ўзбек халқининг миллий мусиқа негизида мусиқа санъатини ривожлантириш, сифат жиҳатидан янги мусиқий таълим тизимини яратиш ҳамда юқори малакали санъат кадрлари тайёрлашни такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжат, муҳим чорадир.

Қарорда кўрсатиб ўтилган ўнта модданинг ҳар бирида шундай залворли ва масъулиятли вазифалар қўйилдики, агар уларнинг ҳаммаси Юртбошимиз талаби даражасида адо этилса, шубҳасиз, Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа санъатининг барча йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таянч олий таълим муассасаси бўлиб қолгусидир. Айни пайтда бу муассаса таълим соҳаси педагоглари ва мутахассисларининг малака ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш маркази бўлиб қолиши ҳам шаксиз.

Консерватория таркибида ихтисослаштирилган Илмий-тадқиқот маркази ва Мусиқа музейи ташкил этилажаги — бу, кўп асрлик мусиқа меросимизни, миллий ва жаҳон мусиқа санъати тараққиётини, миллий мусиқа асбобларимиз тарихини ўрганишда миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ўзига хос бетимсол, улкан бир хазинаси бўлиб қолиши ҳам турган гап.

Бунинг учун Қарорда айтилганидек, жуда қисқа фурсатлар ичида Марказ ва музейнинг низомларини ишлаб чиқиш, мусиқий таълим муассасаларини замонавий мусиқий ўқув адабиётлари билан таъминлаш, уларни мунтазам чоп этиш, консерватория ҳузурида ихтисослаштирилган «Мусиқа» нашриёти, босмахона, овоз ёзиш студияси ташкил этиш тўғрисидаги кўрсатмалар ҳукуматимизнинг маданий меросимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш ҳамда авлодлардан-авлодларга етказиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари деб тушунмоқ жоиз.

Мамлакатимизнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ҳамоҳанг ҳолда консерватория ҳузурида 125 нафар ўқувчига мўлжалланган Иқтидорли болалар академик лицейининг ташкил этилиши ва уни барча асбоб-анжомлар, чолғу асбоблари, техник воситалари, замонавий талабларга мос ўқув-норматив ҳужжатлари билан таъминлашга оид чора-тадбирлар белгиланганлиги — юртимиз маданий ҳаёти ва ёшлар келажагига бўлган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Шу ўринда собиқ иттифоқ даврида узоқ йиллар ўлкамизда миллий мусиқа санъатига эътибор берилмай, ҳатто жаҳон мусиқа маданиятининг энг нодир намуналаридан бўлмиш мақом санъатига ҳам беписандлик билан қаралиб келинганлигини бир эсланг. Уни ўрганиш ва тарғиб этиш — фақат 70-йиллардагина, шунда ҳам, халқаро мусиқа жамоатчилигининг таъсири остидагина йўлга қўйилганди ўшанда. Ёки эллигинчи йилларда мусиқа ижрочилигида ўзбек миллий чолғу асбобларидан воз кечишга бўлган уринишларни ҳам ҳалиҳали кекса санъаткорларимиз яхши эслашади.

Мустақиллик йилларимиз сиёсати яқин ўтмишимизга хос бўлган бу каби қарашлар, воқеа ҳамда ҳодисаларни ғайритабиий ҳаракатлар деб баҳолади. Энг муҳими, ҳукуматимиз, Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан улардан керакли сабоқлар ва хулосалар чиқариб, мамлакатимизнинг бош консерваторияси — миллий мусиқий маданиятимиз маёғи фаолиятини халқимиз учун устувор тамойил бўлган миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ривожлантириш сари бурди.

XXI аср бошларида рўй берган бу бурилиш ҳаётини санъатга бахшида этишга аҳд қилган фарзандларимизнинг ёрқин истеъдодларини рўёбга чиқаришдек улуғ мақсадларга ва юртимизда ҳаётбахш мусиқа садолари ҳамиша янграб туришига хизмат қилиши муқаррар.

■ Номоз САЪДУЛЛАЕВ

МАТБУОТ ВА ҲАЁТ

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

ОЛИЙ МАЖЛИС ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИДАН КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗА...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фақат «отиб кетди, ўлдириб кетди, ўғирлашди, тунашди, фалон машҳур актриса эридан ажрашиб, шунча меросга эга бўлди», — деган ахборотлар шавқига берилиб кетмай, жамиятдаги иллатларнинг таг-томирига етиш, таҳлил этиш, миллат менталитетини ҳисобга олиб босиқ ва вазминлик билан мулоҳаза юритиш, менимча, ўзбек матбуотининг ўзига хос фазилатлари. Бунинг учун журналистларимиз халқ кайфияти, халқнинг қонқонига сингиб кетган удумларни чуқур билиб, қалам тебратиши керак деб ўйлайман. Бунинг учун энг аввало, ўта расмий, қуруқ ва совуққонлик билан ёзиш услубидан воз кечишимиз керак. Очиғи, бизда «газета тили» деган иборани ишлатишади. Йўқ, бунақа «тил» йўқ, аслида. Газетани ким ўқийди? Одамлар ўқийди. Газетадаги мақолаларни ким ёзади? Биз — журналистлар ёзамиз. Демак, газетанинг эмас, бизнинг «тил»имиз шунақа. Бизнинг одамлар ичига содда ва равонлик билан кириб боришимиз қийин кечаяпти. Мен бир нарсани тушунолмайман, халқ ичида юриб, кишилар билан муомалада бўлсак оддий, керак бўлса, таъсирчан сўзларни ифодалаймиз — мақола қилганда эса, ўша эскича, бир хил қолипда, трафаретга солинган услубда «кўзни юмиб» ёзиб кетаверамиз. Аччиқ бўлса-да айтиш керакки, ҳозир кўплаб газеталаримиздаги бирхиллик, «эгизак»лик, журналист кўнглининг тафти етишмаслигининг сабаби аён — журналистларимиз (айрим ҳамкасбларим маъзур тутсинлар, улар бундан мустасно)нинг ўзига хос услуби сезилмайди — «газетачилик услуб»и кўзга яққол ташланиб қолади. Қайси йўналишда ёзилганидан қатъи назар, матбуотдаги чиқишимиз ўқувчининг юрагини жизиллатмаса, кўз олдида ҳаётнинг бир кўринишини кафтдагидай намоён этмаса, ўқиган киши, отангга раҳмат, бор экансан, ўта тушунарли ва таъсирчан ёзибсан, демаса, қоғоз қоралаб ўзимизни ҳам, газета саҳифасини ҳам овора қилишимиздан нима наф? Оддий мисол: газетада мақолангиз чоп этилди. Дейлик, бирор қурилиш, бунёдкорлик, унда ишлаётган қурувчилар ҳақида. Ана, энди аксарият ҳолларда, шу руҳдаги мақолалардан бири, масалан, ўзингиз ёзган ўша мақолангиздаги айрим жумлаларни одамлар орасида талаффуз қилолмайсиз — уяласиз. Чунки, анчайин баландпарвоз ёки қуруқ. Демак, ёзганларингиз халқ тили ва дили, руҳиятидан анчагина йироқ. Чунки, сиз ўзингиз (ўзимиз) шундай сўзламаймиз, бироқ, мақола бу, газетада шундай ёзилади, ёзилиб келинган, деган тушунча миямизга сингиб кетган. Газетанинг ҳаётдан узоқлиги унинг «силлиқ»лигида, биз фикримизни оддий ва самимият билан ифодалай билмаганимизда.

Тўғри, ҳар бир нашрнинг ўз йўли, йўналиши бор. Лекин бу ўқувчидан «узоқлашиш» дегани эмас, албатта. Бугун Ўзбекистонда кундалик нашрларнинг сони 700 дан ошиб кетди. Тасаввур қилинг — 700 кам сон эмас. Бундай ўйлаб қарасак, эркин сўз айтиш, фикр билдириш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Қарашларимни баён этаман, матбуот минбаридан туриб сўз айтаман, деган кишининг ҳеч ким қўлини ушлаб ўтиргани ёхуд оғзини бекитаётгани йўқ. СССРнинг касодга учраган мафкураси «куйчи»сига айланиб қолган истибдод тузуми даври журналистикаси билан бугунги журналистика орасида ер билан осмонча фарқ бор. Жамиятда фаол иштирок этиш, демократик ўзгаришлар жараёнида дадил фикр билдириш, ўз позициясида собит туриш учун ҳар бир нашрнинг ҳуқуқ ва эрки ўз қўлида. Матбуот учун шу керак аслида. Энди виждонан айтайлик, биз шу имкониятдан тўла-тўкис фойдаланаяпмизми, қурбимиз етаяптими бунга?

Менинг назаримда бу саволларга жавоб беришга қийналамиз. Бугун ўзбек журналистикаси мутлақ янгиланиш, ўзига хос ислоҳотлар жараёнини бошдан кечираяпти. Изланиш, ўзгаришлар бўлаяпти, албатта. Аммо ҳаёт талаби бизнинг ҳозирги фаолиятимиздан анча юқори. Камчилик ва муаммоларимиз етарли. Баъзи бир ҳамкасбларимиз кимларнингдир қўлига «қараб» муте ва тобе бўлиб «буюртма» мақолалар ёзаётгани ҳам бор гап. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Нимани, қандай ёзишни билмай гангиб юрганлар ҳам йўқ эмас. Бир гап билан айтганда, эскича қарашлар, нима мумкин, нимани ёзайлик, деб иккиланишлар, журналистга ҳам у ишлаётган нашрга ҳам обрў келтирмайди. Қисқаси, матбуот сўзи қоғозда эмас, ҳаётда, амалий ифодасини топиши биз журналистларнинг ўзимизга боғлиқ. Бунинг учун халол ёзишимиз керак — гапимизни одамлар тушунсин.

■ Қўчқор НОРҚОБИЛ

ФОТОРЕПОРТАЖ

«НАМ-КОП» ШАРБАТИ



— Ўтган йили худди шу ойда, қаранг, бир йил бўпти-я, –дея сўз бошлади косонсойлик тадбиркор Қодиржон Муталов, — хориждан технология олиб келиб, «Нам-коп» деган шу кичик корхонани ҳаракатга келтирдик. Биз асосан, мева шарбатлари ишлаб чиқаришни мақсад қилганмиз. Қисқа фурсатдаёқ маҳсулотларимиз истеъмолчилар дидига мос тушди. Олма, нок каби мевалардан тайёрланган шарбат ичимликларини яқиндан бошлаб Қозоғистонга ҳам жўната бошладик...

Кичик корхона раҳбарининг фахрланиб сўзлаганича бор. Ҳозирча 50 нафар ишчи меҳнат қилаётган ўзига хос бу мўъжаз заводнинг бир кунлик ишлаб чиқариш қуввати — 1 минг 200 дона ярим литрлик идишларга қадоқланган ширин-шарбат ичимликларга етмоқда. Шунингдек, бу ерда тайёрланаётган сархил маҳсулотлар махсус пакетларда ҳам қадоқланмоқда.

— 2003 йилдан бошлаб, — сўзида давом этди раҳбар, — технологиямиз янада кенгаяди, ишлаб чиқариш қувватимиз ҳам ошади ва энг муҳими, бандлик муаммосининг ечимига баҳоли қудрат ҳисса қўшамиз, яъни, янги иш ўринлари очилади. Бизни қувонтираётган яна бир жиҳати, Наманганда эндиликда бундай корхоналар тобора кўпайиб бормоқда. Улар қанча кўпайса шунча яхши: биринчидан, аҳоли севиб истеъмол қиладиган мева шарбатлари миқдори ошиб, мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам арзигулик улуш қўшилади, иккинчидан, рақобатчи кичик корхоналар сони ошиб, маҳсулотларнинг турлари хилма-хиллашади ва сифати яхшиланиб боради...

Тадбиркор билдирган мулоҳазаларга ортиқча изоҳнинг кераги йўқдек туюлди бизга.

■ Юнус ЗИЁДОВ

■ Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

Суратларда: тайёр маҳсулотлар қадоқланяпти; меваларни ювиб-тозалаб берувчи цехдан бир кўриниш; шарбат ишлаб чиқариладиган цех.

ХДП ХАБАРЛАРИ

ТАДБИРЛАР, УЧРАШУВЛАР

«Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан Халқ демократик партияси Зангиота туман кенгаши Акмал Икромов номли ширкат хўжалигида «Қари билганни пари билмас» мавзуида тадбир ўтказди.

Йиғинда ширкат хўжалигида ишлаб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган 120 нафар ХДП аъзолари, маҳалла аҳли дастурхон атрофида тўпланишиб, бир пиёла чой устида суҳбат қурдилар.

А.Икромов номли ширкат хўжалиги раиси З.Ниёзов, бошланғич партия ташкилоти котиби А.Обидовлар сўзга чиқиб, тадбир иштирокчиларини қутладилар. Тадбир охирида қарияларга турли қимматбаҳо совғалар улашилди.

■ Д. ТОШМЕДОВА, Ўзбекистон ХДП Зангиота туман кенгаши биринчи котиби.

Мамлакатимизда истиқлолимизнинг муборак 11 йиллигига бағишланган тадбирлар давом этаяпти. Шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Халқ демократик партияси Собир Раҳимов туман кенгаши ҳамда «Нуроний» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда амалга оширилди. «Мустақиллик энг улуғ, энг азиз неъмат» мавзусида бўлиб ўтган тадбирда Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор С.Раҳимов республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларда фуқароларимизнинг фаол иштироки хусусида сўзлади.

Ўтказилган кечада Собир Раҳимов туман ҳокими А.Миржалилов, «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси М.Зуфаров, «ЎзМалойл» қўшма корхонаси раҳбари А.Содиқовлар истиқлолимиз берган имкониятлар ҳақида гапирдилар. Айём қатнашчиларини «Фарзона» дуторчи қизлар дастаси ҳамда Собир Раҳимов туман маданият бўлими хонандалари ўз қўшиқ ва рақслари билан ҳушнуд этдилар.

■ (Ўз мухбиримиз)

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИК — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

ЁКИ АЙРИМ ТУМАНЛАР ҲОКИМЛИКЛАРИДА РЎЙ БЕРАЁТГАН МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ВА СОВУҚҚОНЛИКЛАР ОҚИБАТИ ҲАҚИДА

«... Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ҳали бир қанча ҳал этилмаган муаммолар, тўрачилик, ўзбошимчалик, зўравонлик каби ғов-тўсиқлар мавжудки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди.»

Ислом КАРИМОВ

(Вазирлар Маҳкамасида 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисда сўзланган маърузадан)

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очилди. Унинг фаолияти учун ҳуқуқий асос яратилди. Энг муҳими, хусусий мулк дахлсиз деб эълон қилинди. Бу борада қабул қилинган қарорлар халқаро андозаларга тўла жавоб беради.

Маълумки, кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш ва унинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни шакллантириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 22 августда 347-сонли қарор қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг умумий муддатлари юридик шахслар учун 12 иш куни, якка тартибдаги тадбиркорлар учун 8 иш куни қилиб белгилаб қўйилган. Афсуски, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи маҳаллий давлат ҳокимлик идораларининг баъзи масъул ходимлари ушбу тартибни ва унинг ҳуқуқий асосларини билмайдилар ёки била туриб риоя қилмайдилар.

Масалан, Тошкент вилоятининг Тошкент туманида яшовчи тадбиркор Р.Аминжанованинг «Мадина-Р» хусусий фирмаси низомини давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб 2002 йил 23 январь куни ёзган аризаси Тошкент туман ҳокимининг ўринбосари С.Қаюмов ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими бошлиғи А.Йўлдошевларнинг айби билан асоссиз равишда чўзилган, яъни 2002 йилнинг 10 март кунига қадар ҳал этилмаган.

Ушбу ҳолат юзасидан вилоят адлия бошқармаси Тошкент туман ҳокимлигига бундай қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 2002 йил 14 мартида тақдимнома киритди. Шу билан бирга Р.Аминжанованинг манфаатини кўзлаб адлия бошқармаси Зангиота туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига киритилган даъво аризасига кўра, суд тадбиркор фойдасига **Тошкент туман ҳокимининг ўринбосари С.Қаюмовдан 50 минг сўм ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлим бошлиғи А.Йўлдошевдан 25 минг сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида 2002 йил 24 апрель куни ҳал қилув қарорини чиқарди.**

Адлия вазирлиги ходимлари томонидан 2001 йилда барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш масалалари ўрганилганда жами 73503 та рўйхатдан ўтказиш тартиби бузилган ҳолатлар аниқланди. Рўйхатдан ўтказиш тартибини асосан Тошкент шаҳрининг туман ҳокимликлари бузишаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Рўйхатдан ўтказишда амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган «хизмат кўрсатиш» деб йиғим ундириш 25983 та ҳолатда, рўйхатдан ўтказишга келган аризаларни туман ҳокимлиги девонхонасида кирим қилинмаслиги 9379 та ҳолатда ва 2962 та ҳолатда эса қўшимча ҳужжатлар талаб қилиниши аниқланган.

Ушбу қонунбузарликларни бартараф этиш мақсадида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Адлия вазирлиги томонидан тақдимномалар киритилган бўлишига қарамай, 2002 йилнинг 6 ойида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг гуруҳи томонидан ўтказилган 5 та вилоятдаги ўрганишлар натижасида ҳокимликлар томонидан тадбиркорларни рўйхатга олиш муддатларига амал қилмаслик каби камчиликлар ҳали-ҳанузгача давом этиб келаётганлиги ажабланарли ҳол? Жумладан, муддат бузилиши ва рўйхатга олиш тартибига амал қилмаслик бўйича 7,8 мингта қонун бузилиш ҳолларига йўл қўйилгани аниқланди.

Албатта, адлия идоралари ходимлари фуқаролар мурожаатига беписанд муносабатда бўлаётганларга нисбатан қатъий чораларни қўлламоқдалар. Ушбу мақсадда шу йилнинг ўтган ярим йили давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар манфаатларини кўзлаб, адлия идоралари судларга 4,18 миллиард сўм миқдордаги 3165 та даъво аризалари киритишга эришди. Шунингдек, 2002 йилнинг олти ойида жойлардаги адлия бошқармаларининг талаби билан 788 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, улардан 106 нафари эса эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Баъзи бир идораларнинг мутассаддилари ўз хизмат вазифаларига совуққонлик ва масъулиятсизлик билан қараганликлари натижасида ана шундай нохуш ҳолатлар рўй бераётгани ачинарли. Ҳар бир тадбиркорлик субъектининг бир иш куни — бу юз минглаб сўм миқдоридаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлардир. Рўйхатдан ўтказишдаги ҳар қандай сансалорликларга қарши кураш олиб боришнинг энг яхши йўли «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик учун етказилган зарар ва маънавий зиённи ундириш ҳақида судга мурожаат қилишни кенг қўллаш ҳисобланади. Агар зарарни қоплаш бевосита масъулиятсизликка йўл қўйган ходим зиммасига юкланса, бу бошқа ҳамкасбларини ҳам ҳушёр торттирган бўлар эди.

Бугунги кунда тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳам соддалаштирилган. Агар илгари, масалан, бир хусусий корхонани рўйхатдан ўтказиш учун 7 та идорага мурожаат қилиниб, 40 тага яқин ҳужжатлар талаб қилинган бўлса, эндиликда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида аризага нотариал гувоҳлантирилган таъсис ҳужжатлари, почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат, давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банк тўлов ҳужжати, фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома, уч нусхада муҳр ва штамп эскизлари илова этилади, холос. Бироқ, ўтказилган сўров натижаларига кўра, **тадбикорлардан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ҳамон давом этаётгани маълум бўлмоқда.** Жумладан, Тошкент шаҳридаги сўровда қатнашган тадбиркорларнинг 474 тасидан давлат рўйхатидан ўтказишда ортиқча ҳужжатлар талаб қилинган.

Масалан, Бектемир тумани ҳокимлигида «Нозимахон-Муаззам» хусусий фирмасини давлат рўйхатидан ўтказишда ёки Яккасарой туман ҳокимлигида ҳам шунга ўхшаш қонунбузарлик рўй берганлиги аниқланди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилдаги 347-сонли қарорига мувофиқ, давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимлари томонидан белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлар тўғрисидаги маълумотларни статистика, солиқ, ИИБ ва бошқа органларга юборишлари белгиланган. Лекин, айрим ҳолларда эса бу мажбурият тадбиркорлар зиммасига юкланаётганлигига нима деса бўлади?

Андижон вилояти Булоқбоши туман ҳокимлигининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бўлими томонидан 2001 йилнинг 1 октябридан 2002 йил 25 апрель ҳолати бўйича жами 236 нафар якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳужжатлари қабул қилиниб, давлат рўйхатига олинган. Бироқ, 2002 йилнинг 25 апрель кунига қадар атиги 2 нафар якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги (8-форма) маълумотномаси туман ички ишлар бўлимига юборилган, қолган тадбиркорлик субъектларига муҳр ва штампга рухсат олиш уларнинг ўзларига юклатилган.

Адлия вазирлиги ходимлари томонидан ушбу ҳолатлар жойларда чуқур ўрганилиб, аксарияти ўз ижобий ечимини топмоқда.

Лекин, шу ўринда аччиқ, аммо очиқ бир гапни айтиб ўтиш лозим. Қилинаётган ишлар, кўрилаётган чораларга қарамай, ҳамон тадбиркорларга тўғаноқ бўлаётган, уларни ҳуда-беҳуда сарсон қилаётганлар учраб турибди. Бу соҳадаги қонунбузарлик ҳолатларига қарши муросасиз кураш олиб бориш, мансаб масъулиятини унутганларга амалдаги қонунларга асосан қатъий чоралар кўриш талаб этилади. Иқтисодимиз, эртанги кунимиз кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнес ривожига боғлиқлигини инобатга олсак, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиб бериш зарур. Ҳаёт шуни тақозо этяпти.

■ **Одилжон БЕКНОЗОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси бош маслаҳатчиси.**

АМЕРИКА 11. 09. ДАН СЎНГ

БИР ЙИЛ МУҚАДДАМ АҚШДА ЁВУЗ КУЧЛАРНИНГ ДАҲШАТЛИ ТЕРРОРЧИЛИК ТАЖОВУЗИ СОДИР ЭТИЛГАН ЭДИ

Ниҳоят оппоқ, уч «қаватли» кема Нью-Йорк кўрфазидаги Элис Айленд томон сузади. Американинг рамзи ҳисобланмиш дунёга машҳур Озодлик ҳайкали ўша оролда жойлашган.

Кема соҳилдан узоқлашгани сари осмонўпар бинолардан ташкил топган Манхеттен тобора яққол намоён бўла бошлайди. Орт палубага ўтиб, XX аср меъморчилигининг ушбу беқиёс мўъжизасига суқлана-суқлана тикиламиз.

— Кечирасиз, сиз ўзбекмисиз? — кутилмаганда сўрайди мендан ёши етмишларга яқинлашиб қолган, сочлари қордай оппоқ, истараси иссиқ одам ўзбекчалаб. Лекин талаффузи шу қадар ғалати чиқадики. Демак, муҳожирлардан...

— Ҳа, миллатдошман сизга! Сиз, менимча, ё водийдан ёки Тошкентдан. Тўғри топдимми?

— Тополмадингиз. Америкаликман мен. Исмим Дональд. Тилшуносман. Бир вақтлар анча пайт Москвада яшагандим. У ердан иш билан тез-тез Ўзбекистонга ҳам бориб турардим. Ўзбекчани ана шу тарзда ўрганиб олганман. Ҳозир кўп сўзлар эсимдан чиққан... Шунинг учун сухбатимизни русчада давом эттирсак, розимисиз?

Дональд Алабама штатида яшар ва ҳар йили бир марта Нью-Йоркни, Озодлик ҳайкалини, албатта, зиёрат қилиб кетаркан. Ва, албатта, АҚШ Мустақиллиги куни арафасида.

— Бу йил эса кечикиб келишга мажбур бўлдим: баҳорда ошқозонимни операция қилишувди-да... Менинг энг севимли байрамим 4 июль — Мустақиллигимиз куни. Адашмасам, сизларда августда-я ўша кун?

— Мустақилликка 31 августда чиққанмиз, аммо биринчи сентябрь истиқлол байрами куни деб эълон қилинган.

— Демак, яқинда ўн бир йилликни нишонлар экансизларда. Айтишларича, сўнгги йилларда жуда катта ўзгаришлар бўлибди, сизларда, айниқса Тошкентда. Таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган дейишади уни. Яхшиси шу ҳақда ўзингиз гапириб берсангиз.

... Ва у менинг ҳикоямни диққат билан тинглайди... Сўнг дейди: «Эндиги йил Тошкентга бормоқчиман, иложи бўлса, мустақиллик байрамига. Биласизми, гарчанд Американи мустақил давлатга айлантириш ғояси Бостон шаҳрида туғилган эса-да, истиқлол учун илк кураш Нью-Йоркда бошланган. Биринчи шундай жанг Бруклинда бўлган. Манхеттенда эса биринчи президентимиз Жорж Вашингтон иштирок этган йиғинда ўшанда эндигина дунёга келган буюк ҳужжат — мустақиллик Декларацияси ўқиб эшиттирилганди. Уни ўқиб бўлишгач, тўлқинланиб кетган аскарлару Нью-йоркликлар эркларини кишанбанд қилган инглиз қироли Георг III нинг мис ҳайкалини бузиб ташлаб, ундан патронлар ясаб, мустақиллик дея жангга кирганди. Эҳ-ҳе, қанча қонлар тўкилган... Бизга жудаям қимматга тушган озодлик, шунинг учун ҳам ниҳоятда қадрли-да у...

Манхеттен биз учун, шахсан мен учун истиқлол бешиги ҳисобланади. Шу қадар муқаддас гўшаки у!

— Гўзал ҳам! — дейман жамоли тобора очилаётган Манхеттендан ҳеч кўз узолмай.

— Ҳақиқатан ҳам. Аммо, ўтган йили ўн биринчи сентябрдан сўнг у икки «эгизаги» (Дональд жаҳон савдо маркази биноларини назарда тутарди)дан айрилгач, мунғайиб қолди, назаримда. Шундан буён Манхеттенни кўрсам, юрагим ачишади. Сиз кўрмагансиз-а, у биноларни?

— Кўрганман. 1993 йилнинг октябрида. Президентимиз Ислом Каримовнинг БМТга илк ташрифи чоғида. Менгаям юртбошимиз билан АҚШга бориш насиб қилган экан... Ўшанда савдо марказининг юзинчи қаватига кўтарилиб, Нью-Йоркни томоша қилгандик ҳам. Ҳеч ишонгинг келмайди шундай улуғвор иморатнинг қулаб тушганига.

— Эҳ, лаънати террорчилар! — қўлини мушт қилиб, ғазаб билан гапиради Дональд. — Ўша куни менинг жияним ҳам ҳалок бўлди. Шу қадар севардимки уни! Йигирма ёшли навқирон йигит... Кимга ёмонлик қилувди у?! — Сўнг бир зум сукут сақлайди-да, тағин куйиб-пишиб сўзлай бошлайди. — Агар Ислом Каримовнинг даъватига... Ўша — 1993 йилда ҳам, ундан кейинги йиллардаям Президентингиз нафақат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, балки кўплаб халқаро минбарлардан туриб , «Афғонистонда халқаро террорчилик ин қуряпти. У нафақат Марказий Осиё, балки бутун жаҳонга хавф солмоқда! Бу ёвузликка қарши биргалашиб курашайлик!» деб ёниб-куйиб бутун инсониятни огоҳлантирганди. Бетиним огоҳлантирганди. Лекин, афсуски, бунга жиддий эътибор берилмади.

— Сизнингча, нега шундай қилишди?

— Бошқаларни билмайману, лекин АҚШ... Олдин ер юзида иккита супердавлат бор эди: СССР билан АҚШ. Совет Иттифоқи парокандаликка йўлиққач, ёлғиз Америка қолди, холос. Ва шундан сўнг, чапаничасига айтсам, бизнинг бурнимиз кўтарилиб қолганди... Аммо ўн биринчи сентябрда ногаҳон бошимиз тақ этиб деворга урилиб, уч мингдан зиёд одам нобуд бўлгач, кўзимиз ярқ этиб очилди. Ва террорнинг чиркин қўллари ҳатто океан ортига ҳам ета олишини англадик. Ва мана энди Ислом Каримовнинг зийраклигига Америка ҳам тан бераётир. (Бу инсон, агар дунёда ҳақиқат бўлса, тинчликни асраш бўйича энг юксак ҳурматга сазовор). Шу боис ҳам Президентингиз шу йил баҳорда АҚШга ташриф буюрганида, одатда сиёсатга лоқайдроқ бўлиб қолган биз америкаликлар ушбу ташрифни роса қизиқиб кузатувдик. Ва Жорж Буш мамлакатингиз раҳбарига кўрсатган илтифотлардан, АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида тузилган янги-янги шартномалардан ниҳоятда мамнун бўлдик.

Суҳбатга берилиб, манзилга етганимизни ҳам сезмаймиз... 1886 йилда қад кўтарган Озодлик ҳайкалини биргаликда зиёрат қиламиз. Дональд йўл-йўлакай унинг тарихи ҳақида сўзлайди. Нью-Йоркка қайтгач, қучоқлашиб, худди ака-укалардай хайрлашамиз. «Келаётган улуғ байрамларинг — Мустақиллик куни билан чин юрақдан қутлайман. Оддий бир америкалик фуқаро сифатида халқингизга, Президентингизга таъзим қиламан.

Биламан, ҳозир Ўзбекистонда муаммолар кўп, айниқса, иқтисодда. Бу — табиий ҳол. Ахир етмиш йил давомида атайлаб илдизларини бўшатишга уринишган иқтисодни ўн бир йилда, ким айтди, буткул тиклаб бўлади, деб?! Бунинг учун ҳали анча вақт керак. Муҳими, сабр-бардош. Ундан ҳам муҳими эса — осуда осмон — тинчлик. Сизга очиғини айтсам, агар Каримов бўлмаганида Ўзбекистоннинг тинчлигини аллақачоноқ остин-устун қилиб ташлашарди... Бу нафақат менинг, оддий бир америкаликнинг, балки кўплаб таниқли давлат арбоблари-ю, сиёсатшуносларнинг фикри», дейди у.

✧ ✧ ✧

Тарихда урушни деярли бошидан кечирмаган америкаликлар ҳам 2001 йилнинг ўн биринчи сентябрида рўй берган машъум террордан сўнг тинчлик нақадар улуғ неъматлигини англай бошлашди. Ва мамлакатни террорчиларнинг янги ҳуружларидан асраш учун қарийб бир йил ичида жуда кўп юмушларни амалга оширишди.

Аввало, чегаралар мустаҳкамланди. Масалан, Канада ва Мексикага чегарадош ҳудудларга беш минг нафар аскар, сўнг яна 1100 нафар миллий гвардиячи жалб этилди. Мамлакатнинг барча аэропортлари жиддий назорат остига олинди. Юклар, йўловчилар то самолётга қадар ниҳоятда синчиклаб текшириладиган бўлди. Террорчилардан бири туфлисининг пошнасида портлатувчи модда олиб ўтишга уринганидан сўнг эса кўпинча йўловчиларнинг пойафзалларини ҳам ечиб текшириш қоидаси жорий этилди. Вашингтондан учаётганида бу қоидани ҳатто мамлакат президентининг яқин ёрдамчиларидан бири, Оқ уй матбуот котиби Ари Флейшерга нисбатан ҳам қўллашди.

Ичимлик учун сув тиндиргич ҳавзалар, айниқса атом электростанциялари ниҳоятда қаттиқ назорат остига олинди. Бундай станциялар устидан самолётларнинг учиши қатъиян ман қилинди. Борди-ю шундай ҳол юз бергудек бўлса, бундай бебош самолётни қирувчи-самолётлар ёрдамида қўндиришга уринилади. Борди-ю, ўжарлик қилса, у ҳавода йўқ қилиб ташланади.

Вашингтондаги Оқ уй ва Капитолийнинг эшиклари илгари одамлар учун доимо очиқ бўлиб, бу ердан сайёҳлар аримасди. Эндиликда ушбу икки бино ҳам энг кўриқланадиган иншоотларга айлантирилди. Шунингдек, ФБР (Федерал текширув бюроси) ичкарисига экскурсиялар уюштиришга чек қўйилди. Мамлакат пойтахтидаги барча федерал идоралар, тарихий обидаларнинг олд томонлари бетон деворлар билан тўсилиб, бу ерларда машиналарнинг тўхташига барҳам берилди.

АҚШга ҳар йили 214 мингга яқин кема келади. Улар мамлакатда мавжуд 360 та портга 5,7 миллионта контейнер ташийди. Худди ана шу контейнерларда террорчилар қурол-яроғ ёки жангариларни олиб ўтишлари мумкин. Бундай ҳол юз бермаслиги учун энди америкалик божхоначилар ушбу юкларни юборавётган давлатларнинг портларида, ўша мамлакатларнинг оператив ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда кўрикдан ўтказадиган бўлишди. Биринчи ана шундай қадам Малайзияда ташланди ва мутахассисларнинг таъкидлашича, у катта самара берди.



Террорчиларга маблағ етказаётган каналлар топилиб, бирма-бир ёпилмоқда. АҚШ божхона хизмати бошлиғи Роберт Боннер биз журналистлар билан ўтказган мулоқотида божхона, Федерал текширув бюроси, мамлакат Махфий хизмати идораси, Адлия вазирлиги ҳамда қатор бошқа корхоналарнинг ходимлари ўзаро ҳамкорликда 369 та рейд ўтказишганини таъкидлади. Натижа ёмон бўлмабди: 38 нафар одам ҳибсга олиниб, террорчиларга юборилаётган қарийб 23 миллион доллар тутиб қолинган. Рейд давомида баҳоси бир доллар деб белгиланган посилка қутисидан... бир миллион 600 минг долларлик чек чиқибди.

24 июлдан 15 августгача Сан-Диего, Калифорния ва Невадада АҚШ тарихида илк бор энг катта ҳарбий машқ ўтказилди. Қарийб 14 минг аскару зобит, мутахассислиги ҳарбийга дахлдор фуқаро мамлакат ҳудудида душманларга қарши жанг олиб боришнинг тўққизта услубини синовдан ўтказди. Ушбу машқ натижалари-ю уларнинг атрофлича таҳлили халқаро террорчиликка қарши курашда кенг қўлланиладиган бўлди.

Террордан лат еган иншоотлар, жумладан, Пентагон тўла таъмирдан чиқди (унинг янги фасади ичига ўша фожиали сешанбада ҳалок бўлганларнинг исми-шарифлари битилган рўйхат, таъзияномаларнинг нусхалари солинган капсула жойлаштирилди).

Табиийки, энг кўп юмушлар Манхеттендаги жаҳон савдо маркази ўрнида амалга оширилди. Қулаб тушган икки бинонинг қолдиқлари ташилди (Аввало, ҳалок бўлганларнинг жасадлари қидириб топилди). Ушбу оғир юмуш муддатидан уч ой илгари — май ойида поёнига етказилди. Фожиа рўй берган жойдан икки миллион тонна ҳажмида металл, ойна, бетон... парчалари чиқариб кетилди.

Нью-Йорк метросининг савдо маркази остидан ўтган метро туннели ҳам террор туфайли шикастланганди. Курувчилар уни муддатидан тўрт ой илгари таъмирдан чиқаришди.

Террорда ҳалок бўлган барча 3010 одамнинг оила аъзоларига ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беришнинг бор услублари қўлланиляпти. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, қурбонларнинг оилаларига кўмаклашиш федерал жамғармаси тузилди (Конгрессда) ва ҳар бир оилага ўртача бир миллион доллардан зиёдроқ маблағ берила бошланди. Қурбонларнинг фарзандлари Нью-Йорк штати губернатори Жорж Патакининг кўрсатмасига биноан штат ва шаҳар университетлари, улар қошидаги коллежларда текинга ўқийдиган бўлишди (Ўқитувчиларнинг таъкидлашича, масалан, университет қошидаги коллежда ўқиш учун ҳар бир ўқувчига бир йилда жами ўн икки минг доллар кетаркан).

Айни пайтда Вашингтонда ҳам улкан таъмир ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, айниқса, Капитолий (парламент)да қилинаётган юмушлар диққатга сазовордир. Икки юз йил илгари қурилган ушбу тарихий иншоотда яқинда бошланган таъмир ишлари 2005 йилнинг январида, яъни мамлакатнинг янги сайланажак президенти инагуруацияси кунигача ниҳоясига етиши лозим. 368 миллион доллар сарфланадиган ушбу юмуш амалга оширилгач, Капитолий нафақат тағинда гўзаллашади, балки янада мустаҳкам бўлади.

Ушбу иншоот меъмори Алан Хэнтманнинг таъкидлашича, таъмир «ўн тўққизинчи асрда барпо этилган Капитолий биносини XXI аср меъморчилиги билан уйғунлаштиради».

Нью-Йорк ҳам катта қурилиш майдонини эслатади. Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳиям АҚШнинг биринчи пойтахти бўлган, ҳозирда эса жаҳон пойтахти ҳисобланажак Нью-Йоркда жойлашган. 50-йилларда қурилган ушбу бино ҳам анча эскириб қолган. Ва унинг ҳам чидамлилигини ошириш учун қайта таъмир талаб этилади. Бунинг учун эса бир миллиард доллар пул ва тўрт йил муддат керак экан. Яқинда маблағ топилди ва шу кунлар ичида таъмир ишлари бошлаб юборилади.

«Эгизаклар» яъни жаҳон савдо маркази ўрнида нималар қурилади? Бир неча бино (эндиликда уларнинг баландлиги эллик қаватдан ошмайди) ва хотира мажмуаси. Шаҳар раҳбарияти ўтган йили кузда «эгизаклар» ўрнида қурилажак иншоотлар юзасидан меъморлар танловини бошлаганди. Унга юзлаб лойиҳалар юборилди ва шулардан олтитаси ажратиб олиниб, бир неча ой давомида Нью-йоркликлар диққатига ҳавола қилиниб, уларнинг фикрлари жамланди. Улар эса ушбу лойиҳаларнинг барини пучга чиқаришди, сабаби, лойиҳаларда хотира мажмуасига жуда кам жой ажратилган экан. Натижада танлов тағин давом этадиган бўлди.

Террордан сўнг қатор ташкилий-сиёсий юмушлар амалга оширилди. Аввало, Оқ уй ташаббуси билан мамлакат Хавфсизлик кенгаши тузилди (ўтган йили октябрь ойида). Унга АҚШ Президенти, вице-президенти, молия, мудофаа, адлия, соғлиқни сақлаш, транспорт вазирлари, Фавқулодда ҳолатлар федерал агентлиги, Федерал текширув бюроси, Марказий разведка бошқармаси (ЦРУ) директорлари киритилди. Кенгашга Жорж Буш раис этиб сайланди. Ушбу ташкилот миллий хавфсизлик билан шуғулланувчи барча идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Шунингдек, Президент маъмурияти томонидан ички хавфсизлик бошқармаси ҳам тузилди. Унга Жорж Бушнинг дўсти, Вьетнам уруши иштирокчиси, ҳуқуқшунос, Пенсилвания штатининг собиқ губернатори Томас Риж раҳбар қилиб тайинланди. Ушбу ташкилотнинг бош вазифаси АҚШни халқаро терроризмдан муҳофаза қилиш юзасидан ишлаб чиқилган миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш.

Июль ойида эса Президент Жорж Буш Конгрессга АҚШ миллий хавфсизлик стратегиясини тақдим қилди. Деярли юз бетли ушбу ҳужжатда халқаро террорчиликка қарши кураш йўллари кўрсатилган, шунингдек, мамлакатни ядровий, кимёвий ва биологик қуроллар хавфидан асраш юзасидан қатор дастурлар баён этилган.

Ушбу глобал стратегияда АҚШ ҳаво йўлларини кўриқлаш, денгиз чегараларини тағинда мустаҳкамлаш, аҳолини бактериологик қуролдан асраш мақсадида янги дорилару вакциналар ишлаб чиқариш масаласига ҳам алоҳида урғу берилган.

Унда шахсан Бушнинг ташаббуси билан барпо этилиши мўлжалланган мутлақо янги — Ички хавфсизлик вазирлигига, айниқса, кенг ўрин ажратилган.

Вазирлик айни пайтда аҳолини террор балосидан ҳимоя қилиш билан шуғулланаётган нақ қирқта ташкилотни бирлаштиради. Унинг таркибига айрим федерал идоралар ёки ана шундай идораларнинг бўлинмалари ҳам киритилади.

Вазирликка катта ваколатлар берилади — чегараларнинг назоратидан тортиб то махсус хизмат идоралари етказиб турувчи маълумотларни таҳлил қилиш, террорга қарши курашнинг янги услубларини яратиш.

Муҳожирлар ва натурализация хизмати идораси, махфий хизмат идораси ҳам Ички хавфсизлик вазирлиги ихтиёрига ўтказилади. 1865 йилда ташкил этилган Махфий хизмат айни пайтда Молия вазирлигининг бўлинмасидир. У дастлаб АҚШ валюта тизимини ҳимоя қилиш мақсадида тузилганди. Кейинчалик эса зиммасига мамлакат президенти ва унинг оила аъзолари, юқори лавозимдаги раҳбарларни ҳимоялаш вазифаси ҳам юклатилганди.

Тўртта бошқармадан иборат Ички хавфсизлик вазирлиги 2003 йилнинг январидан ўз фаолиятини бошлайди. 175 минг одамни бағрига оладиган ушбу ташкилотнинг йиллик сарф-ҳаражати 37 миллиард доллар ҳажмида бўлади.

Табиийки, халқаро террорчиликка қарши кураш ниҳоятда катта маблағ талаб этади. Агар АҚШ Сенати ўтган йили ана шу мақсадлар учун 40 миллиард доллар ажратган бўлса, шу йил июль ойининг охирроғида тағин 28,9 миллиард доллар ажратди. Унинг 14,5 миллиарди Пентагон, 5,5 миллиарди Нью-Йорк эҳтиёжлари, 3,8 миллиарди миллий аэропортлардаги хавфсизликни кучайтириш, 175 миллиониы Федерал текширув бюроси, 200 миллиони АҚШ томонидан хорижий мамлакатларда террорга қарши (масалан, Филиппинда) ўтказилаётган тадбирларга сарфланади.

Афғонистондаги аксилтеррорчилик операциясида Америкага кўмаклашаётган Марказий Осиё давлатлари учун қўшимча 110 миллион доллар ажратилди. Ушбу операция эса яна қанча давом этади? 15 августда Вашингтонда ўтказилган мабуот анжуманида АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд ҳамда Афғонистондаги ўша аксилтеррорчилик операциясига масъул ҳисобланмиш генерал Томми Фрэнкс Америка қўшинларининг бу мамлакатда анча йилларга қолишини айтишди. «Биз Афғонистоннинг яна террорчилар тайёрланадиган лагерга айланиб қолишига имкон берадиган барча илдизларни йўқотсаккина, қайтамиз. Биз у ерда толиблару «Ал-Қаида»нинг қолган жангариларини тутиш билангина чекланмаймиз. Биринчидан, афғон армиясининг шаклланиши-ю оёққа туришига ёрдамлашамиз. Иккинчидан, ҳарбийларимиз турли гуманитар тадбирларда фаол иштирок этишади. Шунингдек, бизнинг Афғонистонда қанча муддат давомида қолишимиз ана шу мамлакат раҳбари Ҳамид Карзайнинг нафақат армия, балки полиция, махсус хизмат ҳамда чегара қўшинларини нормал ҳолга келтиришига ҳам боғлиқ» деди генерал Фрэнкс.

Вашингтондан жўнашимиздан олдин америкалик дўстим, таржимон Ефим иккимиз кўплаб интервью олдик. Мана шулардан бири:

— Ота-онам — мексикалик. Мен эса Америкада туғилиб ўсганман. Асли исмим — Диего. Аммо бундан ўн йил илгари мусулмон динини қабул қилиб, исмимни Муҳаммад деб ўзгартирдим. Бир мен эмас, минглаб лотин америкаликлар, қора танлилар ҳам менга ўхшаб ислом динини қабул қилиб, исмларини мусулмончага ўзгартиришяпти. Демак, бу диннинг ўзига хос оҳанграбоси бордир-да!.. Исломнинг муҳим бир жиҳати шундаки, у ҳар қандай қон тўкилишига, урушларга қаршидир...

Минг афсуски, айримларда АҚШ халқаро терроризмга қарши кураш шиори остида нуқул ислом динига қарши жанг қиляпти, деган фикр мавжуд. Тўғри, террор юз берган илк кунларда кимлардир мусулмонларга тиш қайрай бошлади, «Мусулмонларни Америкадан ҳайдаб чиқариш керак!» деган шиорлар пайдо бўлди. Кимлардир масжидларга ўт қўйиш, телефон, электрон почта орқали мусулмонларни ҳақорат қилишга тушди. Аммо шахсан президент Бушнинг ўзи бу номақулчиликни тўхтатди. Давлатимиз раҳбари Вашингтондаги ислом марказига ташриф буюриб, мусулмонларнинг АҚШ тараққиётига қўшаётган улушига катта баҳо берди. Масжидга шаккоклик келтирган, мусулмонларни ҳақорат қилганларнинг аксарияти суд қилиниб, жазоланди...»

Таниқли журналист, «Марказий Осиё маданияти» халқаро газетасининг Бош муҳаррири Анвар Жўрабоев АҚШ бўйлаб ижодий сафардан қайтди. Ушбу сафарнинг илк маҳсули диққатингизга ҳавола этилмоқда.

Америка — ислом ўзаро муносабатлари Кенгаши АҚШ маъмурларининг ушбу ҳаракатларидан ниҳоятда мамнун, албатта. «Ҳукумат биз билан фаол, илиқ алоқалар ўрнатган. Бизга тазйиқ қилганлар шу заҳотиёқ тегишли жазо олишади, — дейди Кенгаш матбуот котиби Иброҳим Хупер. — Шундан ҳам хурсандмизки, президент Буш кўп масалаларда ислом давлатлари раҳбарлари билан доимо маслаҳатлашиб туради. Жаноб президент шу яқин ўртада Миср президенти Ҳусни Муборак, Покистон президенти Парвез Мушарраф, Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Сауд ва бошқалар билан халқаро террорчиликка қарши кураш, Яқин Шарқ муаммоси хусусида фикрлар алмашди.

— Биз мусулмонларга эмас, балки террорчиларга қарши курашяпмиз. Уларнинг аксарияти эса, айниқса, «Ал-Қаида» гуруҳи аъзолари ўзларини исломнинг ҳимоячилари дея кўкрак уришаётган эсада, аслида ўз хатти-ҳаракатлари билан муқаддас ислом динини оёқ ости қилишяпти-ку. Ахир бегуноҳ одамларнинг, аёллару болаларнинг қонини тўкишяпти-да улар. Кимлардир «қаҳрамон»га айлантираётган бу жангарилар, аслида қотиллардир, энг ёвуз қотиллар, уларнинг на у дунёси бор, на бу дунёси! — дейишди биз билан суҳбатда кўплаб америкалик мусулмонлар.

Биз яна қуйидагиларниям билиб олдик. Гуантанамо ҳарбий лагеридаги қамоқхонада (у ерда асирга олинган толиблар ва «Ал-Қаида» аъзолари сақланади) ҳар бир маҳбус алоҳида камерада сақланади. Камерада унинг намоз ўқиши учун ҳамма шароитлар муҳайё этилган, ҳатто Макка қай тарафдалигини кўрсатувчи белги ҳам мавжуд. Ҳар бир бандига биттадан Қуръон берилади. Бу ердаги овқатлар ҳам мусулмонча таомлардир. Қамоқдагиларнинг диний масалалари билан АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари катта лейтенанти Сайфул Ислом (мулла Саиф) шуғулланади.

✧ ✧ ✧

Ўн биринчи сентябрь кунини, яъни террорнинг бир йиллиги маросимини Америка қандай нишонлайди?

Нью-Йорк шаҳри маъмуриятида журналистлар билан учрашувда бу хусусда штат губернатори Жорж Патаки ва шаҳар мэри Майкл Блумберг қуйидагиларни айтишди: Аввало, 9-11 сентябрь кунлари хайрия марафони ўтказилади. Унда АҚШнинг энг таниқли хонанда-ю созандалари, драматург ва режиссёрлари иштирок этишади. Марафондан тушган маблағ Нью-Йорк болалар жамғармасига берилади.

Ўша куни шаҳарнинг бешала районида ҳам эрталаб беш яримдан етти яримгача полициячи, ўт ўчирувчи ҳамда Нью-Йорк порти Бошқаруви ходимлари-ю волинка чалувчилар ва барабанчилар секин-аста кўчалар бўйлаб айланиб, жаҳон савдо маркази томон йўл олишади.

Биринчи бинога биринчи самолёт урилган вақт, яъни эрталаб саккиздан қирқ олти минут ошганида одамлар қурбонлар хотирасига бир дақиқа сукут сақлашади. Сўнг Жорж Патаки Авраам Линкольннинг «Геттисберг мурожаатномаси»дан парчалар ўқийди. Кейин шаҳарнинг собиқ мэри Рудольф Жулиани террорда ҳалок бўлганларнинг исми-шарифини бир-бир эълон қила бошлайди. Унинг «эстафетаси»ни бошқалар, жумладан, қурбонларнинг қариндош-уруғлари давом эттиришади. Кейин Нью-Жерси мэри Жеймс Макгиви Мустақиллик декларациясидан боблар ўқийди.

Соат ўндан йигирма тўққиз минут ўтганида, яъни иккинчи «Бонг» иккинчи бинога урилган пайтда ҳам бир дақиқалик сукунат сақланади. Сўнг қурбонларнинг қариндошлари савдо маркази котлованига гуллар қўйишади.

Кечқурун соат саккизларга яқин фожиа юз берган жойга мамлакат президенти Жорж Буш, АҚШга расмий ташриф билан келган қатор хорижий мамлакатларнинг раҳбарлари бу ерда мангу олов ёқишади.

— Ушбу маросимга шаҳримиз мэри Майкл Блумберг президентингиз Ислом Каримовни ҳам таклиф этганди, — дейишади менга шаҳар маъмурияти ходимлари. — Минг афсуски, келолмаскан.

— Қаердан билдингиз, балки келар?

— Йўқ. Чунки хат йўллабди-да.

Мана Ислом Каримовнинг ўша мактуби:

«Нью-Йорк шаҳри мэри, муҳтарам Майкл Блумбергга

Ҳурматли жаноб Блумберг,

2001 йил 11 сентябрдаги фожиали воқеаларнинг бир йиллигига бағишланган ёдлаш маросимида иштирок этишга таклиф қилганингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдираман.

Бу сана инсоният тарихига ёвуз кучларнинг дунёдаги барча тинчликпарвар одамларга нисбатан даҳшатли тажовузи амалга оширилган «қора кун» сифатида кирди.

Бизнинг бу террорчилик ҳаракатлари қурбонларини унутишга ҳаққимиз йўқ, шу билан бирга, одамларнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш учун барча ишларни қилишимиз зарур.

Сиз 11 сентябрь оқшомида ёқадиган мангу олов бир йил аввал Нью-Йорк ва Вашингтонда ҳалок бўлган минглаб бегуноҳ одамларнинг хотираси тимсоли, Нью-Йорк шаҳрининг юзлаб ўт ўчирувчилари ва қутқарувчилари жасорати тимсоли, Америка халқининг қатъий руҳи ва букилмас иродаси тимсоли бўлиб қолади.

Ўйлайманки, бу маросим ва мангу олов жаҳон давлатлари ва халқларининг террорчилик илдизларини қуритишга қарши кураши, ўзаро сабр-тоқат ва тараққиётга интилишга асосланган хавфсиз дунё тартибини ўрнатиш борасидаги мислсиз ҳамкорлиги ва бирдамлигининг ҳам тимсолига айланади.

Ҳурматли Мэр жаноблари,

афсуски, менинг иш жадвалим ушбу муҳим маросимда иштирок этиш имконини бермайди. Бироқ, ишончингиз комил бўлсинки, ёдлаш маросими ўтказиладиган кун ва вақтда Ўзбекистон халқи ва шахсан мен фикран ва қалбан Сиз, жасоратли Нью-Йорк аҳли ва бутун Америка халқи билан бирга бўламиз...»

✧ ✧ ✧

29 июль куни Массачусетс штатининг Бостон шаҳри биқинидаги Кейп-Код кўрфазида ғайритабиий воқеанинг гувоҳи бўлдик: ногаҳон ўнлаб китлар ўзларини шиддат билан Атлантика океани қирғоқларига ура бошлади. Тўлқинлар ортга қайтгач, қумлар устида эллик бешта кит қолди. Юзлаб одамлар улар иссиқдан ўлиб қолмаслиги учун (ўша куни ҳарорат қирқдан ошганди) устиларига тинмай сув сепишар, ҳўл чойшабу сочиқлар ёпишарди... Ва ниҳоят сув қайтгач, уларни океанга туширишди (афсуски, олтитаси ҳалок бўлганди).

Аммо эртасига эса китлар ўзларини яна қирғоққа ташлай бошлашди...

— Ҳар гал Ер куррасининг тақдирига дахлдор хавф-хатар пайдо бўлганида китлар ўзларини мудом қирғоққа уришади, — деди ўша куни кўрфазда гурунг берган мўйсафидлардан бири. — Сайёрамиз тақдирига боғлиқ муаммолар эса... анчагина. Шулардан энг даҳшатлиси — халқаро терроризм. Аммо китлар бекорга безовта бўлишяпти: ахир мана энди илдизлари қирқилди-ку бу иллатнинг, айниқса, Афғонистонда. Бугун сичқоннинг ини минг танга бўлиб юрган қолган-кутган террорчилар ҳам тугайди, барибир. Чунки энди бу ёвузликка қарши бутун дунё курашмоқда. Бирлашиб, қўлни қўлга бериб курашмоқда...

■ **Анвар ЖЎРАБОЕВ**

Тошкент — Бостон — Вашингтон — Нью-Йорк — Тошкент



Эртага Нью-Йоркда 2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатларининг 1 йиллигига бағишланган ёдлаш маросими ўтказилиб, Жаҳон савдо маркази биноси ўрнида мангу олов ёқилади. Мангу олов қурбон бўлган минглаб бегуноҳ одамларнинг хотираси тимсоли, жасоратли Нью-Йорк аҳлининг ва бутун Америка халқининг қатъий руҳи ва букилмас иродаси тимсоли бўлиб қолади.

Бу маросим ва мангу олов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, жаҳон давлатлари ва халқларининг террорчилик илдизларини қуритишга қарши кураши, ўзаро сабр-тоқат ва тараққиётга интилишга асосланган хавфсиз дунё тартибини ўрнатиш борасидаги мислсиз ҳамкорлиги ва бирдамлигининг ҳам тимсолига айланади.

THE PORT AUTHORITY OF NY & NJ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 871
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

БОШ СОВРИН КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

7 сентябрь куни Юнусободдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида теннис бўйича «Президент кубоги» тўққизинчи халқаро турнирининг саралаш баҳслари бошланди. Мусобақанинг асосий учрашувларида қатнашиш учун ҳамюртларимиздан Дмитрий Томашевич, Антон Кокурин, Мурод Иноятов, Ғафур Эшматов, Дмитрий Мазур сингари ўн беш нафар теннисчи кортга чиқишди. Бироқ вакилларимиз барча баҳсларни муваффақиятсиз якунладилар.

Саралаш учрашувларини кўтаринки руҳда ўтказган Владимир Волчков (Белоруссия), Григорий Карраз (Франция), Томас Кетола (Финляндия) ҳамда Кириль Иванов-Смоленский (Россия)лар кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритишди.

Ўзбекистоннинг энг кучли теннисчилари О.Огородов, В.Куценколар эса «Президент кубоги-2002» халқаро турнирининг асосий баҳсларида тўғридан-тўғри иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Қурғанга кўра, биринчи босқичда Олег Огородов белоруссиялик Владимир Волчковга, Вадим Куценко эса голландиялик Мартин Веркеркга қарши кортга чиқади.

Турнирнинг биринчи ракеткачиси саналган россиялик Марат Сафин илк учрашувда француз Григорий Карраз билан баҳслашади. Евгений Кафельников (Россия) эса дастлабки ўйинни германиялик Александр Васке билан ўтказади.

Мазкур нуфузли халқаро турнирнинг тантанали очилиш маросими бугун бўлади.

■ **Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» — «АЛ-ВИҲДОТ»

Осиё футбол Конфедерацияси ташаббуси билан бу йил илк маротаба қитъамизда футбол клублари ўртасида чемпионлар лигаси учрашувлари ташкил этилмоқда. Баҳсларда иштирок этаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси эртага ўз майдонида Иордания чемпиони «Ал-Виҳдот» футболчиларини қабул қилади.

Пахтакорчилар мусобақага иккинчи босқичдан қўшилишди. Эслатиб ўтамиз, уларнинг рақиблари илк ўйинни «Ал-Нижма» (Ливан) жамоаси билан ўтказишган. Иорданияликлар ўз майдонларида ғалаба (3:2) қозониб, сафарда дуранг натижа қайд этишганди — 0:0.

Ушбу мусобақада ўтган йилги мамлакат чемпиони Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ҳам иштирок этади. Фарғоналиклар эса «Жаштик» (Қирғизистон) — «Аҳли Сана» (Яман) жуфтлиги ғолиби билан куч синашади.

«Пахтакор» — «Ал-Виҳдот» жамоаларининг жавоб учрашуви 25 сентябрда Оман шаҳрида бўлиб ўтади. Мазкур ғолиб кейинги босқичда Қатар чемпиони «Ал-Иттиҳод» клубига қарши майдонга чиқади.

ИНФОРМАЦИЯ

ОБ ИТОГАХ РАБОТЫ ОАО «ДОН-НОН» В 2001 ГОДУ

Почтовый адрес: 700050 г. Ташкент ул. Гете, 50.

Начисление и выплата доходов по ценным бумагам эмитента:

Все акции-простые, именные, безналичные.

Дата принятия решения о выплате дивидендов по акциям – в ходе итогового собрания по результатам 2001 года, которое состоится 25.04.2002 г.

Дивиденды будут выплачиваться в течение 2-х месяцов с момента подписание протокола.

Размер дивидендов на акцию:

– начисленный – 200 сум,

– выплачиваемый – 170 сум,

– Общее количество акций одной категории, по которым начислены дивиденды – 13000 шт,

По которым выплачиваются дивиденды – 13000 шт.

Форма выплаты начисленных дивидендов-денежные средства.

Наступление даты закрытия реестра:

– Дата принятия решения о дате, на которую составляется список владельцов ценных бумаг – 20.03.2002 года.

Дата, на которую закрывается реестр акционеров, – 25.03.2002 года.

Дата начала выплата дивидендов – 20.08.2002 года.

Основание – решение общего собрания.

Вид общего собрание – годовое,

Форма проведение общего собрания – очная.

Дата проведения общего собрания – 25.04.2002

Место проведения общего собрания – г. Ташкент, улица Гете, 50. АО «Дон-нон»

Кворум общего собрания – 76%

Вопросы и итоги голосование:	за	против	воздерж
1. Отчет о финансово-хозяйственной деятельности за 2001 год	100%	—	—
2. Утверждение отчета ревизионной комиссии	100%	—	—
3. Утверждение результатов аудиторской проверки	100%	—	—
4. Утверждение баланса 2001 года	100%	—	—
5. Утверждение бизнес-плана 2002 года	100%	—	—
6. Утверждение прибыли и начисление дивидендов за 2001 год	100%	—	—
7. Утверждение об изменении состава членов Наблюдательного совета, председателя правления и ревизионной комиссии	100%	—	—
8. Рассмотрение и утверждение решения Наблюдательного совета исполнительного органа в отчетном периоде	100%	-	-

9. Увердить распределение прибыли за 2001 год.
Размер чистой прибыли в распоряжении организации за 2001 год составил 14.558 тыс. сум.
Отчисление на формирование уставного фонда в 2001 году составило 10.526 тыс. сум.
Прибыль к распределению дивидендов — 2.600 тыс.сум.
Подлежит отчислению в резервный фонд — 728.000 тыс. сум.
Погашение задолженности прошлых год — 704.000 тыс. сум.
В расчете на одну акцию — 200 сум.

10. Изменение в персональном составе должностных лиц:

В Исполнительный орган	Наблюдательный совет
1. Нуралиев Т.Н.	1. Усманова М.
2. Сулеймонов Т.	2. Джурабаева
3. Ким Л.М.	3. Куйбокаров С.Х.
4. Ашурбекова Х.С.	4. Турсунбаева К.
5. Сембинова Г.	5. Абдуллаева М.

РЕВИЗИОННАЯ КОМИССИЯ
1. Курбангалиева Б
2. Ибрагимова М.
3. Газнаев А.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 йил 6 сентябрь куни ўтказилган кимошди савдоларида Акмал Икромов туманида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган 3 та ер участкаси 6. 900. 000 сўмга, **2,4,6 сентябрь** кунлари ўтказилган биржа савдоларида 16 та автотранспорт воситаси 2 380 000 сўмга, 2 та кўчмас мулк 27. 500. 000 сўмга, 1 та қурилиши тугалланмаган бино 2. 500. 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади. **Жами савдо натижалари — 32. 380 000. сўм.**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Фарғона вилоят партия кенгаши биринчи котиби А. М. Игамбердиевга онаси

АЛИДАХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.